

Ҳ
е
в
р
л
а
р
з
о

Н У Р К У К У Н Л А Р И

Шеърлар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

Зебо Мирзо шефърларида мусаввирана руҳ бор, дард бор, олов бор. Бу сўзларни ушлаб кўрасиз, ҳароратини ҳис қиласиз, рангларидан ҳайратланасиз. Ва кўнглиңгизга кириб бораётган Тирик Сўзнинг товушларини эшиштасиз.

Сўз ичида ёнаётган Аёл қалбининг изтироблари Сизни-да ғидирлади. Сиз бу шөврлар билан азобланасиз, юксаласиз ва покланасиз. У сизни буюк бир ишқ қосига втаклайди. Бир лаҳза бўлса-да, кўнгил билан яшаш баҳтини тақдим этади.

Зебо Мирзонинг ушбу тўплами Сизнинг кўнглиңгиздан жой олишига умид қиласиз.

Масъул муҳаррир: Нормурод НАРЗУПЛАЕВ, Ўзбекистон Ҳалқ шоири

ISBN 5-633-01648-3

© Зебо Мирзо. «Нур кукунлари». «Янги аср авлоди», 2004 йил.

I боб

.....

Билмайсан,
Мен унинг қонида оқдим.
Йилларнинг энг Нурли хаёли бўлиб
Изн бер,
қолайин шу лаҳза ҳаққи.
Унинг, фақат унинг ҳалоли бўлиб.
Дунёнинг энг баҳти Аёли бўлиб!



• • •

Саҳролар бағрида адашган,
Иссиқ ёмғирлардай ёғсайдинг.
Намиқан тупроқлар кўксидав
Маҳфуз гиёхлардек уйғонсан...
Исминг хуш бўйлари тўкилса,
Руҳинг титроғида оқсайдим,
Оловли уммонни сипқорган
Тунги осмон каби тўлғонсан...
...Соянг тушиб ўтса нигоҳларимга!...
Кўлинг толиб борса қалбимни.
Овозинг сачраган ҳавога
шивирлаб боссайдим лабимни!
...овозинг ўпсайдим, овозинг...
Суқунат бўғриқкан тунлардан
суғуриб олсайди овозинг!
Дилимни ечсайдим беҳадик,
Кўрсайдинг кўлларим парвозин!
Нафасинг ўтидан яралсан,
тушларимдан тушиб келсайдим.
Бир лаҳза ўзимни унучсан,
бир лаҳза ўзимни билсайдим...
Берсайдинг, руҳимга тириклик
кўзларинг бир тола нурини.
еллар оғушида чайқалган
беҳуш майсаларнинг умрини...
...йиқилсан, бағрингга йиқилсан,
Юрагингга етарми йўлим?
Оқиб бораялман умрингга
Кўлларимдан ушла, севгилим...

• • •

Қавс боғларига тун тушаётир,
Юракни бир соғинч ўртади ёмон.
Ҳеч кимга билдиrmай,
унинг ёнига
Боргим келаяпти,
Художон!

«Туш» дейсан,
«Туш» эмас,
Тушгин, деяқол.
Жаннат кўкларидан тушиб келайин.
Умрининг ҳар битта дақиқасига
Ишқимни, кўнглимни қўшиб келайин.

Ёки олиб кетай Арши аъломга,
Ё қолайин унинг қошида омон.
Қайдা қилсанг, қилгин,
не қилсанг қилгин.
Мени маҳрум этма, ундан, Художон!

Мен унинг ҳаммадан яширган сири,
Жон ичида жони бўлгим келяпти.
Лаблерининг қайноқ ҳароратидан
Ўлгим,
ўлгим,
ўлгим келяпти!..

Дунё ўз карвонин тортиб кетётир,
Мен унинг қошига етаман қачон?
Менга фаришталик тахтини эмас,
Бир Аёл баҳтини бергин, Художон!

Билмайсан,
Мен унинг қонида оқдим,
Йилларнинг энг Нурли хаёли бўлиб
Изн бер,
қолайин шу лаҳза ҳаққи,
Унинг, фақат унинг ҳалоли бўлиб.
Дунёнинг энг баҳтли Аёли бўлиб!

Қавс боғларига тун тушаётир,
Дилни бир ҳавотир эзди кўп ёмон.
Агар у туш бўлса,
минг йилдан бери
Кимга асрояпсан мени, Художон!

Кимга асррагандинг мени, Художон!

• • •

Азизим,

Не учун майса эмасмиз?

Еллар ўпганида сўйкалиб ўтган?

Не учун, не учун дарахт бўлмадик,

Илдизи,

Шохлари чирмashiб кетган?

Ариқпар бўйида гиёҳдек ўссак,

Сувларда тушимиз эшилармиди?

Адирлар ортида шамол бўлсайдик,

Кўкларда руҳимиз қўшилармиди?

Нечун мавжудмизу, нечун йўқдаймиз?

Бармоқлар учида нозик бир титроқ?

Нафаслар қўшилиб турганда,

Нечун

Оловлар ичида жим кутиб турмоқ?

Нечун пичоқларга тиralар кўзим?

Кўкка суянгандай суяномайман?

Нечун кўлингизда лоладек ухлаб,

Кўксингизда тонгдек уйғонолмайман?

Не учун ҳётим бу қадар саҳро?

Нечун юрагимда бу қадар зорлик?

Қаршимда шовуллаб оқар бир дарё,

Бир томчи сув сўраб ўтинолмайман...

Азизим,

Не учун инсон яралдик,

Кўнглимиз сиғмаса еру самога?

Оҳ,

Энди шу қадар муҳаббат билан

Биз қандей яшаймиз бу тор дунёда?..

Биз нечун яралдик ёлғон дунёда?

Азизим,

не учун майса эмасмиз?..

• • •

Усиз энди умрим қоронғу,
У билан ҳам ҳаётим баҳтмас
Лекин қўлдан кетди у ёғду,
Мен хаёлнинг оғусидан маст.
Тушиб кетдим билибми, билмай,
Тушларимнинг беўй корига.
Кўзларидан паноҳми излаб,
Қолдим юрак ихтиёрида
Ажратолмай умрни қалбдан,
Соясига айландим туннинг.
Нима бўлар:
 томчи ёш бўлиб
лабларига сингисам унинг?..
Кишда қолган бир ҳушча каби,
ҳовуцида ухласам нетар?
Сочларининг тўзонларида
Йўлларимни йўқотсан авар?
Сўрайдими мендан ажрини
Бир-бир очсан қисмат хатларин?..
Кечаларин остонасида
Тўкиларми кўнгил дардларим?
Қўлларини чўзган бир менми,
Баҳт ўрнига ҳасрат берилган?
Муҳаббатдан ўлгану, аммо
Муҳаббатдан қайта тирилган.
Топиларми бу ишқда, ёху
Мендай комрон, мендайин бадмас.
Сизсиз энди умрим қоронғу,
Сиз билан ҳам ҳаётим баҳтмас!..

2002 йил.

• • •

Йўқ,

Энди кўнглингдан чиқаролмайсан,
Умрингда қўёшдай порлайвераман.
Минг йиллар қаърига кетганингда ҳам,
Мен сени самодай чорлайвераман.

Исмингни тонгларга ёзаман маҳтал,
Фунчалар баргига ухлайвераман.
Йўқ, баҳтинг менингсиз бўлолмас тугал,
Мен сени ҳар лаҳза йўқпайвераман.

Оташман,

Денгизман,

Самоман,

Нурман,

Жисму жаҳонингни ўрайвераман,

Айт, қандай топасан, қочмоққа имкон,

Мен сени Худодан сўрайвераман.

Мен — сўнгги томчиман,

Ягона најот.

Фақат сен ичгин деб қистайвераман.

Қўлларимда қолди

Энг сўнгги ҳёт,

Ўлсам ҳам ишқингни истайвераман!

НИГОҲ

У сенинг кўзингга ўхшаб кетади,
У маъюс қалбимнинг эзгин бир оҳи.
Коинотнинг юксак тоқидан бизни,
Чақиради кимнинг нигоҳи?

Бепаноҳ бир йиги овози келар,
Руҳимда сқади бир аччиқ сезим...
Кўклардан кузатар
бизни бу нигоҳ,
Дунёта келмоққа сўрайди изн...

Кутади...
Минг йиллар ё миллион йиллар.
Шамол ва юракнинг уйғонишини,
Осмону заминнинг қўшилишини,
Олов ва денгизнинг тўлғонишини...

Наҳот шу тилсимга бермаймиз имкон?
Наҳот бўлолмаймиз унинг паноҳи?
Сенинг кўзларингда,
менинг руҳимда
Ёлвориб чорлайди кимнинг нигоҳи?

АЛЛА СОФИНЧИ

(Халқ оҳангларида)

Юрагимнинг остидами,
 Ё кўкда, тун лалласи.
 (Сарву суман соясида
 Хурлар айтар алласин)
 Малакларнинг қанотида
 Нурдай ухлер бир гўдак,
 Эшитандай бўламан
 Ширин-ширин нафасин...

Кўзларининг қорасинда
 юлдузчалар милтирас...
 Номин айтсам, қалқиб-қалқиб,
 Танда жоним қалтирас.
 Еру осмон орасинда
 Не мўъжиза, не тилсим.
 Кодир Аллоҳ, бу тилсимни
 Дунёга ким келтирас?

Орзумиди, армонмиди,
 Ҳаёлмиди, туш кўрдим?
 Кун чиқарга кулиб боқдим,
 Шунқор деган күш кўрдим.
 Самотоғдан бошин эгиб
 Аста келар бир йигит,
 Сандоқида ўқи бору,
 Кўлларини бўш кўрдим.

Оға отған ўқининг чин
донаси мен бўлайин,
Узоқлардан излаб келса,
Ёнаси мен бўлайин.
Йўлларига бошим қўйиб,
Ёлвораман, Худойим,
Шу йигитга бир ўғил бер,-
Онаси мен бўлайин...

Юрагимнинг остидами,
Ё кўкда, тун палласи.
Сарву суман соясида
Хурлар айтар алласин,
Малакпарнинг қанотида
Нурдай ухлар бир гўдак,
Эшигтаңдай бўламан
Ширин-ширин нафасин...

СИЗГА...

Тунда...
нагоҳ уйғонасизми,
Дилингизга кирган титроқдан?
Турсизми оғир хўрсиниб,
Чиқасизми васта ётоқдан?

Очасизми деразаларни.
Карвайсизми...
Ойга тўкилиб?
Кўксингизнинг остида недир
Яшаётган бўлар ўкиниб.

Ёдим ўтса ҳаёлингиздан
Тушасизми сиз ҳам ларзага?
Розимисиз ҳаётингиздан
Менга берган
оний лаҳзага?

Ёлғизликнинг гирдобларида
Чорасизлик бўлганида тош.
Менинг учун юрагингиздан
Тўқасизми бирон томчи ёш?

Кесиб ўтса нигоҳингизни
Мұхаббатнинг қовжироқ лаби,
Сиз ҳам...
Каттиқ соғинасизми?
Севасизми сиз ҳам мен каби?

Чидвайсизми,
жимгина мендек-
Қонингизда ёнган словга?
Ённингизга бир куни борсам,
Бермайсизми...
кейин бирорвга?

Мен сиз учун қайта яралдим.
Яшаяпман бир хаёл, бир туш...
Үтинаман,
сиз уни ушланг.
Қўлингиздан учмасин у күш.

Менинг севгим то ҳабргача,
Биласизми, сиз шуни айтинг?
Ҳеч бўлмаса шу бағиргача
Келасизми...
Сиз шуни айтинг!..

КЕЛАСАН...

Қаршилаб эшигинг қулфи
Қўлларинг тафтидан эрийди беҳол...
Кирасан,
Парданинг шакила зулфи
Сочларингни силаб ўтар, эҳтимол...

(Кандай маъсум, фусункор лаҳзэ...)

Сени қучоғига олади хонанг.
Ногоҳ
Самоларга етади боши.
Нафасинг тёккан ҳар нарса уйғонар.
Жонланиб кетади ҳаттоки тоши...

(Не саодат сенинг борлигинг!)

Қарайсан,
Ҳаммаси ўша-ўша, тинч,
билмайсан,
оламга ўтлар қўйганим:
Телефон –
айтолмас шу тилсиз элчи
Сени «Толиб бер» деб ўксиб, қуйганим...

(Билмайсан, ҳеч қачон билмайсан..)

Нигоҳларинг ўлиб ўтади –
Илкис.
Қуёшдай чарақлаб кетади кўзгу;
Само торларидаи қуйлаб юборар.

(мендан кўра баҳтиёроқ У!..)

**Истасанг...
Жаннатни чизиб беради,
Кўлингда малакдай яшайди қалам.
Оҳ, нега қўлингда ўлиб қолмайди?!**

(Худойим, қанчалар баҳтлидир у ҳам!)

**Гулларни эркалаб қўясан бир зум...
Кимларга атайсан бу пок гуноҳни?
Умримни шу гулдек зюхим келади,
Билгим келар ўша титроқни...**

(Менга берсанг эди у чоғни!..)

**Кафтингда вёлга айланар ғумча,
Шу қадар масрурсан!
... шу қадар пастман...
Сеники шу дунё кеча-кетгунча.**

(Нега мен сеники эмасман?!)

2002 йил

• • •

Юрагимга босиб ухласам
Ёдингизни, дийдорингизни.
Болам каби қучиб йигласам
Менга берган озорингизни.
Кафтиңгизда очилсам гулдай.
Тунингизнинг моҳи мен бўлсам,
Ҳеч кимсага билдиримай чеккан.
Кўксингизнинг «коҳ»и мен бўлсам,
Нигоҳингиз паноҳларида
Ойдиндаги майсадек ўссам.
Нафасингиз титроқларидан
Оқиб кетса минг йиллик ғуссам.
Арш устида ўқилса номим,
Дарвозасин очса фалаклар.
Кўқдан тушса ғайб инъоми,
Никоҳимиз қийса малаклар...
Севаверсам сизни билмасдан,
Севилсаму ўзим билмасам...
Бағрингизга бориб ўлсаму
Бағрингиздан қайтиб келмасам...
Шундай севсам,
шундай яшасам,
Дилга етса пичоқларингиз.
Кетай десам икки дунёда
Кўйвормаса қуҷоқларингиз...

СОФИНЧ ХАНЖАРИ

Кўзларимдан оқар кўзларинг ғами,
Кўксимга бир соғинч тийғи қадалган.
Лабимда
Минг йиллик севгининг майи.
Билмайман,
Бу қадаҳ кимга аталган?

Қўлларинг титроғи титроғимдадир,
Жонимни тирилтган бир майин бўса...
Руҳимни пичоқлаб яшаётирсан,
Эй муқаддас қайғу,
эй гўзал гусса...

Ханжаринг доғидан кета олмайман,
Ҳесратинг субҳимдан сўнгги тунгача...
Бу севги майини тута олмай, ман
Етарманми қалбинг келар кунгача.

Ишқинг изтироби шу қадар қаттиқ,
Тиглари кўксимга бир-бир қадалган:
Мен ачиқ азобман,
Мен – оппоқ соғинч,
Билмайман, билмайман кимга аталган?

2002 йил

• • •

Кече

Ёмирлардай ёғилиб ўтдим,

Изларингни ўпдим...

Билдингми?

Ё кўзимдан оқкан аччиқ ёшларнинг

Қора селларида қалқиб келдингми?

Баргҳазондай бунча ожиз титрайсан,

Совуриб ўтдими сени дил доғи.

Дунёга ўт куйган телба юракнинг,

Етиб бордими ё бирор чақмоғи?

Нега таҳликали қарайсан кўкка,

Кўксингни куидириб ўтмаганмидинг?

Сен ишқ истагандинг,

минг йиллар якка.

Айт, ахир

мени ҳеч кутмаганмидинг?

Нега зор

Чорладинг интиқ севгимни,

Мұхабbat бермасанг,

Ҳаёт бермасанг?

Нега уйғотгандинг ғариб дилимни

Умримга бир осмон нурдай кирмасанг?

Нега ёнаману ёндиrolмайман.

Қаҳримидинг,

Тунларга отдинг, тиглатдинг.

Бағрингга чаманлар экмоқчи эдим.

Мәхрибоним,

бунча йиглатдинг?

Сенга қўлимни ҳам бермайман, дедим,

Қўлимдан чиқардим номусни-орни,

Кеча қучсингга тўклилиб ўтдим,

Лабларингга томдим.

Хабаринг борми?..

КЎЗЛАРИМНИ ЮМИБ ИЧАМАН

Қарокларинг аччиқ майини.
Юрагингдан кечган кечаман –
Вужудимда олов ўйини...
Ҳар нафасим бир ишқ яратар,
Ҳар нафасим бир ишққа қотил.
Нечун сени беғам ўйлатар,
Тегрангдаги ноаён ботил?
Мустаҳиқсан –
Бу чоҳга шундай,
Чиқолмайсан кўкка отилиб.
Қанотларим чарчадим, нетай,
Келопмайман мен ҳам ботиниб...
Аламларим кескир тийгини
Санчаяпман юракка, билгин.
Кет, ўчириб севги чўғини.
Ё бутунлай ёндириб келгин...
Сукунатинг – мени ўлдирар.
Сукунатинг – дилга ботган ўқ.
Сен умрингни менга бермайсан,
Менинг сендан бошқа умрим йўқ...

ДОР

Сен – бўғзимга аталган дорсан,
Пешонамга битилган қисмат.
Мен Худодан маҳфий йўлланган,
Қиёматда очилгувчи хат.
Ўлимига ташна маҳбусдай,
Ўлимига зор кўрдек занжирбанд.
Интиламан мен сенга, аммо
Сен баландсан,
Жудаям баланд!
Тикпанаман сенга узалиб,
Суяламан – етмайди қурбим.
О, бошимда тикилган сиртмоқ,
Талпинади сенга бор умрим!
Йўқ,
Лаҳзалик жазо етмайди,
Сенга карак минг йиллик жавоб.
Сенинг қадар юксалгунимча–
Умрим менинг буюк изтироб!
Курбонликка аталган бвхтдай
Сўрамайман: «Нечун?», «Нега-ман?»
Интиламан сенга најотдай,
Сени ўлим каби севаман!
Ахир менга, бир менга зорсан,
Борлиғинг-да борлиғимга банд.
Сен бўғзимга тортилган дорсан,
Жуда баланд,
Жудаям баланд!

• • •

Ўша оқшом ўзгача эди,
Ёнарди тун,
ёнар эди боғ.
Нима эди сиздаги туйғу?
Нима эди мендаги титроқ?
Ловулларди аллақайдаадир,
Шуълаларга ғарқ бўлган моҳтоб.
Кўзимдаги маъюс суратда
Титрар эди...
 ўксик бир жавоб...
Пойимизда кузги хазонлар,-
У -
 баҳорнинг сарғиши ҳатлари.
Бунга мени сиз змас,
 если
Бошлаб келган эди дардларим...
Жаннат юзин
 осий қулига
Оллоҳ бир бор қилганидай дуч.
Мени сизга кеч учраштириб,
Қисмат мендан олар эди ўч.
Етмасмиди шунчава изтироб,
Камми эди шунчава гам, пушмон?
Ловулларда аллақайдаадир,
Юлдузларни йиглаган осмон...
Йиллар ўтди.
 йиллар ва ҳануз
Дилни тиглар аламли сўроқ:
Нима эди мендаги туйғу?
Нима эди сиздаги титроқ?..

• • •

Бу тун

Менга ҳеч нарса дема,
Тун бағрида ором яширин.
Сочларимдан ой нури ёғар,
Капалаклар күнгандә шириң...
Харорати ёқар жонимга,
Капалаклар –

сенинг лабларинг.

Нафасларинг титроқ сасидан
Эшитаман унсиз тапларинг...
Бу тун

менга бирон сўз дема,
Оқиб кетсан хаёлингда маст...
Ишқинг тубсиз уммонларида
Чўкиб ўлган фақат мен эмас...
Кўлларингни...
кўлларимга кўй,
Дилга сиғмас на кин,
на гина...
Кел, япроққа бошимиз кўйиб
Кузатайлик тунни жимгина...
Бу тун...
Мени ўзимдан ол-у,
Бир ҳаёт бер мангуликка хос.
Сени кўрмоқ бўлган гуноҳкор
Кўзларимга лабларингни бос...
Фақат менга бирон сўз дема,
Бир сўз дема...
дема...
ильтимос...

2002 йил

II боб

.....



«Түш» дейсан,
«Түш» эмас,
Тушгин, деяқол.
Жаннат кўкларидан түшиб келайин.
Умрининг ҳар битта дақиқасига
Ишқимни, кўнглимни қўшиб келайин.

• • •

Сизни тушларимда кўрсам, сиғинсам,
Оғир ботмасмикан?
Озор етмасми?
Тунлар ўзим билмай сизни соғинсам,
Бу гуноҳдан ерлар ютмасми?
Ёнингизга хаёлан борсам,
Қувмайсизми,
ҳайдамайсизми?
Ҳисларимни сизга ишонсам,
кулмайсизми,
алдамайсизми?
Ишқ-бор, деб тунларга эртаклар айтсам,
Лаънатламайсизми,
йиглатмайсизми?..
Нега индамайсиз,
нимага жимсиз?
Ишона оласизми?
Сўрагум ...
Ахир, кон ютиб зор қарғамоққамас,
Севмоққа яралган юрагим!..
Ахир,
никоҳландим нигоҳингизга,
Билмайсиз,
бу сирни кимдан ўргандим.
АЗИЗИМ,
Ишқ-менинг тушимда олган
Битта бўсангиздан
кўрган фарзандим!..

ТИРИЛИШ

Овлоқ адирларда бетаскин, гирён
Йиглаган булоқлар кўзида кечган.
Мен бир осмон эдим,
Энг тоза осмон –
Жаннат қушларининг ёдидан ўчган...
•

Кун бўйи жисмини қунга тоблаган
Қайноқ кечаларнинг оқ тушларида,
Бир инжа ноз билан ёғилаф эдим,
Бехуш майсаларнинг оғушларига...

Шамоллар эркига кўрадим рано
Лаҳзаларнинг оташ ҳавасларини.
Гиёҳлар кўксида жойлаб бепарво
Юлдузларнинг қўйган нафасларини...

Ҳеч нарса юракка сололмасди доғ,
Кўркмасдим ҳатто гўр зулумотидан.
Энг ёруғ қунларни териб опардим
Энг тубан чоҳларнинг қора ёдидан...

Ойдин шароб ичиб Ой косасидан
Рұҳим қўшилганда ер нафасига,
Энг тоза тонгларни упашар эдим.
Дараҳтлар наслига,
Гуллар наслига...

Эй дариг, совурдим шамолларимни,
Саҳро тунларидаёт ўчдим бенишон.
Дариг, эсполмайман кўзим боғланиб,
Жаҳаннам тубига қуладим қачон?..

Майин ҳаволарни қўмсайман қаттиқ,
Ичимга ютганча наҳслар қаҳрини.
Силтаниб-силтаниб учмоқ бўламан,
Узиб ополмайман ердан бағримни!..

Эй Худо, қувват бер, ҳатто тола нур
Қолган бўлса агар руҳимда тирик!
Тунни ёриб ўсган бир гул кўзида
Муқаддас оятдай юксаламан тик!

Эй, Худо, бир куни сенга етарман,
Сезяпман руҳимда нимадир янги.
Кўксимга ўлдузлар шўр ёши томди,
Кўнглимда ишқ жангি,
Нурлар жарангига!..

Эҳтимол, ўзимга қайтарман қайта,
Лабларимни босиб харсангошларга.
Қақшаган жисмимни поклавман ятвий
Чўмилиб гулларнинг кўз ёшларига...

Эҳтимол нур тошган оппоқ бир оқшом,
Қайнаган кўксини титроқ-ла ечган...
Бир осмон бўларман,
Балки, бир осмон—
Энг ташна бупоқнинг кўзида кечган!..

Балки, кечирмассан мени ҳеч қачон,
Қайтмасман на шамол, на тун руҳида.
Аммо...
Жисмсиэлик янада ёмон,
Эй Худо, уйғот бу оғир уйқудан!..

Эй Худо! Изн бер яралмоқ учун!
Имкон бер, бўлайин қайтадан пайдо!
Мен Одам эмасман!
Мен бир ожиза —
Мен ахир Ҳаввоман,
Ҳаввоман, Худо!

ТАМОМ...

Мен энди кетаман...
Уни кечирдим.
Кечирдим энг сўнгги ғанимимни ҳам.
Энди тинч яшайман тоғлар юртида.
Дарахтлар,
шамоллар,
майсалар билан...
Тераклар тагида жимгина ётиб,
Юлдузлар ҳақида сурман ҳаёл.
Қизил олмаларга қўшилиб оқиб,
Туннинг тушларига кираман беҳол...
Қувватимни сўрган кўзларни артиб,
Пок нафаси ила куч берар тупроқ.
Дардсиз нигоҳлардан,
ғамсиз «оҳ»лардан.
Шу ўт-ўланларга яқинман кўпроқ.
Авлиёдек чўкка тушиб ўтирган
Қоялар бағридан топаман паноҳ.
Таниша бошлайман, содда руҳ билан
Исмини шивирлаб айтар ҳар гиёҳ.
Момомдай қўйнига олади замин,
Яшайман узоқ ёз билан ёйилиб.
Оби раҳматлар – бу,
О, бу раҳматлар,
Чопаман ёмғирлар билан чайилиб...
Эслайман ўзимни,
Ой нурларида
Осмонга қовушиб кетган лаҳзалар.
Оний титрақларнинг алангасидан
Жисмимда уйғонар мангу ларзалар!..
Сўнг қайтиб келмайман бу шум ўлкага,
Юрвқда тутагач алам, интиқом.
Яралиб бошқа Руҳ,
Бошқа ишқ билан
Еахтли...
Унутаман уни, батамом!

• • •

Кўзим тушса куяди офтоб,
Кўллим чўзсан тўкилар дилим,
Айтсан гуноҳ, айтмасам азоб,
Бу қандай дард,
Бу қандай ўлим?

Юзларимни босаман тошга,
Ёмғирлардай ёғиламан жим,
Мен бошқаман, бутунлай бошқа!
Бу қандай дард,
Бу қандай ўлим?

Қалқиб турган шарпаман холос,
Ўлганини тан олмас кўнглим.
Осмон билмас, замин англамас,
Бу қандай дард,
Бу қандай ўлим?

Оловларда ёқиладурман,
Дўзахлардан ўтмоқда йўлим.
Бир буюк ишқни соғинадурман!
Бу қандай дард,
Бу қандай ўлим?

Тирикману ҳаётим йўқдай,
Тан эвҳарга тўлди-ку лим-лим.
Ерга сигмайман, сигмайман кўкка.
Бу қандай дард,
Бу қандай ўлим?..

• • •

Узоқ кутдим нимани бунча?
Тушларимда ҳам изладим имкон.
Бошимни эгиб яшадим шунча,
Бунчалар пастсан, осмон!
Осмон!

Ғамни кўрдим кўзимни очиб,
Кўзимни юмиб кўрганим ҳам ғам.
Баҳт дегвингга тенг кўрмадинг ҳеч.
Наҳот берганларим бўлса кам?
Осмон, осмон?

Мен ҳам билмай алдов мевасин эдим,
Гуноҳлар кўқарган ернинг бағридан.
Айтмадинг-ку, ахир сеники эдим,
Суякларим ўсиди дўзах қеъридан,
Осмон, эҳ, осмон!..

Кўзларим тубида нур ёди бор,
Титрайди кўксимда минг йиллик исён.
Тавба эшигига бир ўзимман,
Оч эшигингни, осмон!
Осмон...

Товонимни ташиб илонлар сўрди,
Оғзим очолмайман, оғзим тўла қон.
Ҳаётни ҳаммадан қаттиқроқ севдим,
Бўшат қабримдан, Осмон!
Осмон...

ҚОРА ЙИГИ...

Паналарда —
Чиркин чоҳларда,
Чайналади беайб юрагим.
Бу дунёда дўстдан ҳам кўра,
Душманларга бордир керагим.
Нима гуноҳ қилдим уларга?
Юролмайман бошим кўтариб?
Гул уруғин эксан дилларга
Тиканзорлар чиқар кўкариб...
Айборман, десам ҳам кўнмас,
Етмас фақат гуноҳкорлигим
Кўплик қилас, балки, уларга
Бу дунёда менинг борлигим!
Кўргим келмас
яхши-ёмонни,
Бўғиламан, ётмас нафасим.
Гул давралар менини эмас,
Менинг уйим —
Кўнгил қафасим...
Кўмиламан юрагимга жим.
Софинганча бир соғинч исин,
Тун қаърида
Эшитмас ҳеч ким,
Бу севгининг қора йигисин...

* * *

Топмасимдан токи ўлимни
Кўриб қолай биргина паҳза.
Кетинг,
бунда менинг кўнглимни
Англар фақат учми-тўрт майса...
Бегонасиз менга бутунлай,
Бошим узра сачраб турманг бас,
Айбингиздан ҳеч хабарим йўқ,
Холимни ҳам кўрсатгим келмас.
Кетинг,
ахир кўймайсиз нега
Кўзингизда найзалар билан?
Кетинг...
бир пас йиғлаб олайин
Сув бўйида майсалар билан...

ЛАЙЛОГА...

Кўпларида сочларининг ҳиди қолиб.
Атиргуллар қучоғида йиғлаб ётар.
Киприклари юзларига соя солиб,
Лайлогона ер тагида ухлаб ётар...
«Юлдуз эдинг, уйғон», дессан уйғонмайди,
Бу дунёдан аразлаган бола каби,
Мижокасининг бир четида ёш ўйнайди,
Бурилганга ўхшаб кетар гүнча лаби...
Кўнгли унинг сайроқи бир қушча эди,
Сева-сава осмонларга учиб кетар...
Кипригини сал кўтарса нигоҳининг
Шўъласида мингта юлдуз ўчиб кетар.
Овозининг титроғига банди бўлиб
Ой нурлари ўпар эди этагидан.
Кўзларида кечаларнинг фарёди бор.
Чиқиб келар «Минг бир кечача» эртагидан.
Самоларда куйлаб юрар Рухи унинг,
Фаришталар ҳавас қилган исмати бор.
Қизил қони севгисидан шаҳодатдир,
Манглайида Лайлilarнинг қисмати бор.
Парчагина осмонида парча булут,
Юлдузчалар йиғлаб келиб, йиғлаб ботар.
Киприклари юзларига соя солиб
Лайлогона ер тагида ухлаб ётар...

• • •

На умримда баҳор,
На бағримда ёз.
На зухримда ўқсик тириклиқ изи.
Нимага яшадим, билмайман, аммо,
Кимнидир жим кутдим,
билмам, ким ўзи?
Сен кимсан?
Мен сени шунчалар кутдим.
Сен кимсан?
Софигидим шу қадар аччик?
Наҳот дийдорингга етмоғим учун,
Үтмоғим шарт эди умримни янчид?
Наҳот нафасингга тегмай нафасим
Умрим тугар дунё харобасида?
Наҳотки бир күнгил хвёли учун
Куйиб ўтдим кун ва тун орасидан?
Сен бормидинг ўзи?
Сен йўқ эдинг, сен?
Хаётим улашмай бир тола нурга.
Ўлим кўлларида топмоқ учун жон
Наҳотки ўзимни асрарим гўрга?
Кел, менинг ўтиничим,
Кел, менинг қабрим.
Кел, куюк кўнглимнинг жаннатий хоби!
Сен если бу дунга мен билан келиб,
Мен билан кетгуочи дўзех взоби!
Кел,
Осий кундага бошини згиб
Барча взобларга толғандай барҳам.
Кел, тоғдай кўксингга бошимни қўйиб,
Бағрингда ўларман гўдақдай бегам...

ОВОЗИНГІ...

Титраб уйғонаман...
Тун.. алтамаҳал...
Этагида хазон, ухлайди йўлак.
Овозинг... Қайлерда ехир овозинг?..
Кўксимга бош қўйиб хўрсинар юрак...
Минг йиллик мудроқлар томирларимда
Уйғонар.
Уйғонар яна оч ҳевас.
Овозинг...
Овозинг чорлайди аммо,
Кўйиб юбормайди кўринмас қафас.
— Ахир чақирдинг-ку!
Эшик қулфини
Отиб юборман кўзларимда ёш...
— Ахир чақирдинг-ку!
Чархи бебунёд
Излайман...
чоламан, бесар-бебардош...
Қайтман, телбаҳол...
...Ойга кўз тикиб
Эгасиз, уясиз
бир ит увиллар.
Қерайман...
Юзини тәскари буриб
Овозсиз йиглайди настарин гуллар...

• • •

Энди кеч,
Уфқида тунлар йиғлайдир.
Хазон йўлларига туташ йўлимнинг.
Энди кеч...
Юлдузлар «Оҳълар ургайдир,
Қаноти куяди хур хаёлимнинг...
Энди кеч —
кўзимнинг олгун шабнами
Лабингда титрамас... титрамас...
Билдим, звоҳ, билдим,
зҳ, нега билдим,
Сенга таскин керак...
Мен эмас!
Энди кеч...
Мен — ғайри, шунчаки ғайри,
Кетдим. Хўш қол, мовий тунлар фаслида.
Ишқ-карамнинг осий бандага ҳайри,
Ишқ — бу дорга ўзни осмоқ, аслида!
Энди кеч,
Биларсан, менингдай пурғам,
Узун умринг учун беҳуда ва ҳеч.
Кечангдан кечмассан,
Хаёлингдан ҳам,
Азобинг, гуноҳинг —
Мендан
Энди кеч!
Энди, кеч... Энди кеч... Энди кеч...

• • •

Сенинг исминг – муқаддас оят,
Фаришталар зикр этар бетин.
Сенинг исминг жаннат эшиги,
Тополмадим бу эшикни мен.

Сенинг исминг – Арш этагидан
Қадр туни тўкилган хаёл.
Етолмадим бу осмонга мен
Олиб кетди ўзга бир аёл...

Мана зиди муддаий каби
Тикиламан кўкка изнисиз.
Сенинг исминг меники зди,
Қолиб кетдим буткул исмиз.

Сенинг исминг – илоҳий бир туш,
Қаландерлар минг йил тиленган.
Сенинг исминг – бошга қўнмас қуш,
Менинг ғамим учун танланган.

Сенинг исминг...
ғанимлар еди,
Хар зарраси юрагимда дод.
Исминг – менинг ҳаётим зди,
Яшолмадим бу умрни,
ОҲ!..

• • •

**Умримни ўткинчи сабога бердим,
Энг сўнгги чақамни гадога бердим,
Бу талба руҳимни Худога бердим...**

**Сабо олиб борди, гадога берди,
Гадо йигиб борди Худога берди.
Худо мени сенга хатога берди.**

Сен мени кимларга бердинг, Азизим?

«ОСИЯ»

Дунё кузетарди уни ошкора,
Дунё ўз ҳукмини асло бузмасди.
У кетиб борарди бөхуш, бечора,
У...
 Ўзгаларни сезмасди! ...

Бирор осий деди,
Бирор ҳур деди.
У ҳар иккисига ўхшарди.
Ниманир яшириарди қаттиқ,
Нимагадир ёлғиз яшарди...

Во ажаб,
Нимани кўрген эди у?
Ва қандайин сирдан бўлганди воқиф?
Туғёни бағрига сиғмас дарёдай
Ўтди фосик өрдан самога оқиб...

Ҳеч кимса билмади,
ғамгин кечалар
Маъюс юрагига нималар деди?
Худоё...
Худоё, кўрсатмади у!
...Унинг кўзларида ҳижоб бор эди...

12.11.03.

СОФИНИШ...

Ўтиб борар қуёшли кунлар,
Ўтиб борар нурга бурканиб.
Нимагадир яшагим келар
Гул баргига аста ўраниб...

Кетсам дейман силкитиб бирдан
Кўнглимдаги бор губорларни.
Уфқаларнинг этакларига
Эргаштириб лолазорларни...

Сўқмоқ билан кириб бораман
Хилватпеноҳ боғ орасига.
Кафтларимнинг титроқлари бор
Дераҳтларнинг хотирасида...

Сув тубида сайдин туш кўриб,
Ярқирайди сойнинг тошлари,
Сояларда ёввойи гуллар —
Оқиб ётар кўздан ёшлари...

Бунда менинг мунааввар умрим
Ёлғонларда кетганда куйиб..
Ўша тоза гуллар поида
Ўлсам дейман бошимни қўйиб..

Бир тонг ташлаб, ўз майлига маст
инжиқ шаҳер суронларини,
Юрагимда олиб бораман
Қишлоғимнинг осмонларини...

РҮЁГА ИЛТИЖО...

Минг йилким, менинг бир ёруғ куним йўқ,
Минг йилким, ой — ханжар, юлдузлар — ханжар.
Минг йилким, тилимга босадилар чўғ,
Кун ва тун аталган иккита аждар!..
Азизим, дунёмни босди совуқ сеп,
Кулгуларим тошдан, кўз ёшим тошдан.
Ахир кел, фақат кел, ким бўлсанг ҳам кел,
Бекор ошганим йўқ Ўн саккиз ёшдан!
Ёлвораман, келгин, дийдам ғоридан
Икки оч илонни ўлдиргани кел,
Келгин тушларимдан ёруғ дунёга,
Қоронгу кўзимни тўлдиргани кел!
Минг йилким, бир ташна заминдай айро,
Дарё келса ютдим, қон келса ютдим.
Сўнг минг йил... о, исминг нимайди, дунё...
Унутдим, унутдим, унутдим...
Минг йил вто этди минг йиллик бир ишқ,
Мен унинг қошида турибман ҳайрон.
Ер, менга ёронгул исмини бергил,
Бир гулнииг умрини бер менга, осмон!
Ахир, нима қипай қадамларим зил,
Қутулмоқ истайман бу тилсим тошдан.
Фақат кел, фақат кел, ким бўлсанг ҳам кел,
Ҳали ошганим йўқ Ўн саккиз ёшдан!

ТУШ

Оқкуш кўз ёшига ювдим юзимни,
Қарғага тилимни бердим, сийладим.
Қатдим, дерёларга солдим изимни,
Балиқлар тилида бийрон сўйладим.
Сусандил шахрининг султони здинг,
Парилар зотидан эдим, ўйнардим.
Бир тун учеб борган эдим қошинга
Севаман, деб айтдинг, куйдинг, қўймадинг.
Боҳишт боғи эди, учеб юрадик,
Қайғудан — қадардан дил форуғ эди.
Сен здинг, мен эдим, бир юрак эдик,
Осмон ёруғ эди, тун ёруғ эди!..
Исминг нима эди, сўрамадим мен.
Исмим нима эди, унуган эдим.
Ё сен тушган здинг арши-вълодан,
Ёки бу дунёдан мен ўтган эдим!..
Қайси аср эди, қайси тун эди,
Ёлюн эди, дейман, йўқ, тоналмайман,
Минг йил кўзи очиқ ухладим, аммо
Ҳамон ўша тушдан уйғонолмайман!

• • •

Турналарнинг изи қолди кўк юзида...
Кепалаклар учиб-қўнди бирин-бирин.
Юлдузларнинг векси ўйнаб кўзларингда,
Осмонларга тикиласан ширин-ширин...

Болагинам,
Сенга қараб кўнглим ўсар.
Кун-кун изим лойга ботар, юролмайман.
Олисдаги осмонимни туман тўсар,
Ягринимда тоғлар бордай
туролмайман...

Турналардай кетгинг келар узоқларга,
Кетма, жоним,
Сени Ҳақдан тилаб олдим.
Бу дунёни арзитмадим кўзларингга
Дийдорингга бу дунёми тўлаб олдим.

Қора мунчоқ кўзларингга лаб босаман,
Излармисан,
Шўълалардай бир тун йитсан?
Ортингдаги баҳорларни ким келтирас,
Олисларга турналардай учиб кётсан?..

Турналарнинг изи қолди кўк юзида...

• • •

Дарахтларга тушди алланга,
Ҳаволарда таниш бир сезги.
Бир бор эдим сендан алданган,
Нечун яна кўйдирдинг, Сөвги...

Энди парча осмонимни ҳам,
Тутиб кетар жаннатий қушлар.
Кўзим юмсам, нигоҳларимни
Кўйдиради оловли тушлар!

Янами?

• • •

Ой синади аста хўрсиниб,
Оқ терақка суяниб беҳол.
Номозшомгул юмди кўзини
Кетвяпман,
тўйиб қараб қол...

Ёнингдаги ким?
У — шамолми?
Энди ишқ ҳам бўлалмас расан.
Кезинасан...
Пушаймонинг кеч.
Ахир қасам...
Ўртада қасам!

...Номозшомгул юмди кўзини.
Кўзларини юлдуз ёпдими?
Кутганингта ҳеч ўхшатмадинг,
Айт,
кетишим ўхшаяптими?

• • •

Бу сокин боғларда, танҳо боғларда,
Кимсасиз кузакнинг дардлари сарсон,
Умрдай эгилган толғин шохларда
Бежавоб саволдай учади мезон...

Бу таниш боғларда, ғаним боғларда
Дилимни тортади номаълум сўқмоқ.
Нигоҳлар измидан айрилиб бирдан,
Кетгим келаверар сиз билан, бироқ...

Менинг жисму жоним ёнган чоғларда,
Қуёш-у нимадир- ловуллаган чўғ.
Бу ҳазин боғларда, ҳазон боғларда
Наҳотки билмайсиз, биздан бошқа йўқ!

Чиқиб кетолмаймиз, иккаламиз ҳам,
Бу тўғри йўлларнинг тоши янийди.
Бу қадим боғларда, сирли боғларда
Сиз билан адашиб кетсан қанийди! ...

• • •

Умримни ўткинчи сабога бердим,
Энг сўнгги чақамни гадога бердим,
Бу телба руҳимни Худога бердим...

Сабо олиб борди, гадога берди,
Гадо йигиб борди Худога берди.
Худо мени сенга хатога берди,

Сен мени кимларга бердинг, Азизим?

• • •

Сенинг исминг – муқаддас оят,
Фаришталар зикр этар бетин.
Сенинг исминг жаннат эшиги,
Тополмадим бу зшикни мен.

Сенинг исминг – Арш этагидан
Қадр туни тўкилган хвёл.
Етолмадим бу осмонга мен
Олиб кетди ўзга бир аёл...

Мана энди муддаий каби
Тикиламан кўкка изнисиз.
Сенинг исминг меники эди,
Қолиб кетдим буткул исмсиз.

Сенинг исминг – илоҳий бир туш,
Қаландарлар минг йил тиланган.
Сенинг исминг – бошга қўнмас қуш,
Менинг ғамим учун танланган.

Сенинг исминг...
ғанимлар еди,
Ҳар зарраси юрагимда доғ.
Исминг – менинг ҳаётим эди,
Яшолмадим бу умрни,
ОҲ!..

• • •

Энди кеч,
Уфқида тунлар йиглайдир,
Хезон йўлларига туташ йўлимнинг.
Энди кеч...
Юлдузлар «Оҳ»лар ургайдир,
Қаноти куяди хур хаёлимнинг...
Энди кеч —
қўзимнинг олгун шабнами
Лабингда титрамас... титрамас..
Билдим, эвоҳ, билдим,
эҳ, нега билдим.
Сенга таскин керак...
Мен эмас!
Энди кеч...
Мен — ғайри, шунчаки ғайри,
Кетдим. Хўш қол, мовий тунлар фаслида.
Ишқ-қарамнинг осий бандага хайри,
Ишқ — бу дорга ўзни осмоқ, аслида!
Энди кеч,
Биларсан, менингдай пурғам,
Узун умринг учун бехуда ва ҳеч.
Кечангдан кечмассан,
Хаёлингдан ҳам,
Азобинг, гуноҳинг —
Мендан
Энди кеч!
Энди, кеч... Энди кеч... Энди кеч...

ОВОЗИНГІ...

Титраб уйғонаман..
Тун.. алпамақал...
Этагида хазон, ухлайди йўлек.
Овозинг... Қайлерда ахир овозинг?..
Кўксимга бош қўйиб хўрсинар юрак...
Минг йиллик мудроқлар томирларимда
Уйғонар.
Уйғонар яна оч ҳавас.
Овозинг...
Овозинг чорлайди аммо,
Кўйиб юбормайди кўринмас қафас.
— Ахир чақирдинг-ку!
Эшик қулфини
Отиб юборман кўзларимда ёш...
— Ахир чақирдинг-ку!
Чархи бебунёд
Излайман...
чоламан, бесар-бебардош...
Қайтаман, телбаҳол...
...Ойга кўз тикиб
Эгасиз, уясиз
бир ит увиллар.
Қарайман...
Юзини тескари буриб
Овозисиз йиғлайди настарин гуллар...

ХАЕЛ...

Оқшом түл-түл ларқасини тахлаб қўйди,
Юлдузчалар билдириласдан ухлаб қўйди.
Сену мени учраштириди ёлғиз Худо,
Ҳам шу тунни бизга атаб сақлаб қўйди.

Ўтиб кетсак шу кечага боқмайгина,
Кечирмайди, бизни видо кечирмайди...

Икки чўғмиз – Оллоҳ ерга ўйнаб отган,
Сен у тунни,
Мен бу кунни қийнаб ётган.
Ҳолимиз шу:

дилни дилга сўйдирмасак,
Ўтлар ёқиб, дунё томин кўйдирмасак,

Ўлсак ҳамки, бу оловни ўчирмайди,
Кечирмайди, бизни хато кечирмайди...

Сен саркашсан,
Мен эса жим...

Оқшомга боқ!
Севиш гуноҳ, севилмаслик яна гуноҳ!
Кўнгилга нур қўйилади – Худо гувоҳ.
Титраб-қақшаб ҳўл бармоқлар пичирлади:

Ўтиб кетсак шу севигига оқмайгина,
Кечирмайди, бизни Худо кечирмайди!

• • •

Ногаҳон жиринглар телефон,
Елпиниб ўтади қаноти өлнинг
Ҳавода қалқийди мунис бир овоз;
«Бўлақолинг тезрок,
адажон, келинг!»
Ўртага тортилар нозик бир парда,
Мени ўлдиради жавобсиз савол.
Деворга — қоқилиб урилар гавдам,
Соям останангга йиқилар беҳол.

Сен баҳт ҳузурига шошасан — Кўкка,
Сенинг уйинг — Осмон,
Сенинг тахтинг — нур.
Мен зулмат қаърида қоламан яқка.
Ва тунлар чоҳидан
чакираман ҳур!
Мен — ҳаёт истаган сенинг бағрингдан —
Тушман — қўзларингдан ахтараман ҳуш.
Суяқ — суягимни синдириб, ёриб,
Руҳимдан келгандай бўлар бир товуш:
«...Адажон...
келинг!»

2003 йил

III боб

.....

Хайр, дема, кўзларимда қол,
Қара, дийдам тўла соғинч-май.
Умримни ол,
Азобимни ол,
Қалбингни бер.
бир марта ўпай!..

- Мен сизни ҳар куни кўргим көлади...
- Мен сиз билан...
- Мен сизнинг овозиниши ҳар лаҳза эшигим көлади...
- Мен сиз билан...

• • •

Ҳамма таъқиқларни бузиб келаман,
Ҳамма эшикларни келаман ёпиб.
Ё буткул сеники бўламан.
Ё...
буткул кетаман ўзимни топиб!

«Севаман...» деб вайтгил...
«Севаман!» деб вайт!..
Жоним кўзларингда қалқиб турғен пайт.
Фақат ҳозир борман,
Ҳозир мавжудман!
Мени олиб қолгин,
эй мунааввар байт!

Ўтказиб юборма!
Ўтман, тўфонмэн,
Сенсиз кетса чархни ёндирадиган.
Ўзини-ўзига қул қилиб қўйиб,
Ўзини-ўзидан тоңдирадиган.

Қаҳрида бир осмон яшаган баҳтман!
Ишқидан юз Лайли яралган малак.
Дўзахдан жаннатга етган дарахтман,
Фақат...
Сенга керак бўлмаган юрак...
Кўксингга бир тола нурдай сингмасам,
Менинг умрим нима еру фалакка?
Сенинг нигоҳингга етмоғим учун,
Минг йиллар яшадим
Худодай якка...
Кўлингда титраган қўлларим ҳаққи,
Юлдузлар тиғ бўлиб санчилмасидан,
Қоронгу дунёнинг тегирмонида
Вужудимиз доңдай янчилмасидан.

Саркаш

соchlарингнинг

сўронларида

Ҳисларим йилларга соврилмай туриб,
Бир аччиқ сеегининг соғинчларида
Борлиғим йўқликка йўғрилмай туриб...
Айтақол...

лабларинг...

қўлларинг билан...

Токи тилга кирсинг ҳар зерра қонинг,
Токи мени кутиб толган руҳингда
Шовуллаб уйғонсин гўзал исёнинг!
Сен ахир самосан,
сен ахир авад!
Менга ҳаёт бергил, эй илоҳий туш!
Токи учиб келиб зулмат қаъридан
Мен ҳам яралайнин бағрингда баҳтхуш!
Томчи ёмғирга зор, маҳтал гиёҳдай
Жоним кўзларингда титраб турган пайт.
Ҳеч кимга ишонмай,
ҳеч кимга бермай,
«Севаман!» деб айтгил...
«Севаман...» деб айт!

• • •

Бошимдан муҳаббат нурларини соч,
Қонимда сезайин аланга кучин.
Оллоҳ бизни берган ёруғ дунёга
Севилмоқлик учун,
Севмоқлик учун...

Бармоғим учида — Осмон эшигин
Очиб,
кўрсатаман муқаддас Кўкни!
Агар ишонмаса,
ҳамма ўқисин:
«Бизнинг ёрлигимиз Худонинг ҳукми!»

Мен-балки Ҳаввоман,
Сен- Одам Ато,
Жаннат боғларидан тушганим ҳақдир.
Бизнинг дийдоримиз- энг буюқ ато,
Бизнинг дийдоримиз - илоҳий тақдир...

Сир ошкор эттанни савмайди Ҳудо,
Сен дилга қулоқ тут,
ўйланмоқ нечун?
Ахир иккимизга зор эди дунё
Севги нималигин билмоқлик учун!..

• • •

Руҳимиз яратиб битта ишқ билан
Фаню тупроғида әдаштирган У!
Минг йиллар зор этиб,
нурли кечада
Яна жонимизни туташтирган У.

Нечун гуноҳкорлик ёрлиғи бизда?
Сен ахир Мажнунсан,
Мен эса Лайли.
Билсанг, шу лаҳзада дунё мукаммал
Иккимизнинг лок севгимиз туфайли!

• • •

Қўлимда қўлларинг шивири,
Қўй, менинг кўзимга қўйма лаб...
Қўлимда қўлларинг шивири,
Сўз дема дилимни қўймалаб.

Тинглайман қўлларинг шивирин,
Самога учаман, самога...
Қўлимда қўлларинг шивири,
Шунчалик яқинман Ҳудога!

Қўлимда қўлларинг шивири,
Юрақда қолмади доғларим.
Қўлимда қўлларинг шивири,
Тўкилиб бўлди-ку «оҳ»ларим. 5
Бар гуноҳларим!.. = ↗ ||

Қўлимда қўлларинг шивири!..

УНИ БАГИШЛАНГ...

очиқ қолдирилган даричаларнинг
ортидан ёр қадамларимас,
зулмат кучоғида совқотган Ойнинг
ҳарир шуълапари кирсалар бесас..
Сукунатнинг мангу кечаларида
Бир осмон парчаси келса адашиб...
Ёлғизликнинг тутқун кўчаларидан
Оқиб ўтса дарёдай шошиб...
Лаблар ўлган бўлса...

У лабга етмай
томирда чайқалса жунунваш хаёл...
Аёл вужудида яшаса бир қиз,
Бир қиз тийнатида уйғонса аёл...

Уни багишлианг...

Зулмат йўлларида миллисон йил юриб,
ЛАҲЗАДА ТЎКИЛГАН ИЛОХНИНГ Нури.
«Мен сизни севаман..» дея талпинган
қароқларда ёнган олов ёмғири...
қаро соchlарининг титроқларида
илинж шивирласа бир ташнаи зор.
Бехайр дунёда ўзи хайр бўлиб,
яна хайр тиланса, жон этиб нисор...

Уни багишлианг...

Самога бермаган дилини ҳаргиз
Ерларга, тошларга берса, ушалса...
Минг бир баҳорларни ўтказиб ёлғиз,
Бир кун изингиздан нурдай түшалса...
Яна ҳасратингиз билан ўлсаю,
Яна хаёлингиз билан тирилса...
Яна Художонга бориб деса: «Сиз.»
Яна ишқ, қўпида сизга берилса...

Уни багишланг...

Багишланг, умрнинг бир коса майин,
Севгининг бир бўса таъмин багишланг...
Багишланг қаҳрингиз аччик ғаминмас,
Ишқингиз бир гўзал дамин багишланг...
Ишонинг, энг тоза гуноҳингизни
Кўшилиб оқса гул нафасларига...
Бахтсизликнинг ҳадсиз осмонигамас,
Кўлларингизнинг баҳт қафасларига!
Кўзингиздан кўрган ишқ тўлғоғидан
туғилган орзунинг қўлчаларига,
Ҳилол бешигида гўдак тебратган
Кўнгилнинг энг ёруғ кечаларига

Уни багишланг...

25.09.03.

Г...га

Сен ҳали ҳеч кимса кўрмаган бир туш,
Жаннат эшигидан тикилган малак.
Юлдузлар кўксига бошингни кўйиб,
Тунлари ўзингга айтасан эртак...

Сенга уни билмайсан, биласан аммо
У ҳаммадан яхши,
бургутдай ғолиби!
Бир кун учиб келар осмонларингта
Сенга аталган БАХТ ГУЛИни олиб!..
Малика бўларсан хурлар юртига,
Шаҳзода бўлар у.
Сен-ла баҳтиёр.
Сен соғиниб кутган ўша оқ тонгга,
Ишон,
унинг ўзи жуда интизор ...
Гуллар шивиридан энтикади ел,
Кўзларингта қалқиб келади юрак...
Фариштам,
Бу тун рўй бермоги учун,
Сен уни жудаям савмофинг керак!...

• • •

Тонг кипригидаги бир томчи шабнам,
Гиёҳ лебидаги майин капалак,
Күёш ҳовучига яширган инжу,
Сабухий тилак...
Сочлари-сочлари баҳт қўнғироғи,
Кўнгил ардоғи.
Гулларни уйғотган эркатой оваз—
ЧАРОС!

• • •

Нигоҳингни ўпиб, уйғонар олам,
Исмингдан гуркираб яшайди дунё.
Сен менинг самога чўзган кўлимсан,
Умидим тонгигда порлаган зиё...
Сенинг кўнглинг – осмон,
Сенинг руҳинг – Нур.
Орзум юлдузларинг қўярсан ёқиб,
Мен эса юксалиб бораман мағрур,
Осмонлардай ўтган умрингга боқиб...

• • •

Мен ҳануз ўшаман,
Ўжар малика.
Эгнида жандою, кўксида осмон.
Сендан ўзгасини лойиқ кўрмаган.
Сендан ўзгасига бўлматан қурбон.

Мен ҳануз ўшаман,
тошқин бир дарё.
Тошларни тошларга уриб йиғлаган.
Қучоғингда оқмоқ истаган, аммо...
Бу тор қирғоғингта сиғмаган.

Мен ҳануз ўшаман,
Томчигв йиғлаб,
Дунё тӯфонига назар қилмаган.
Сир каби сақланган, кимлигин
Худодан ўзга зот билмаган.

Мен ҳануз ўшаман,
Сенинг пойингдә
Умри лаънатларга тамғаланган из.
Сенинг лабларингдан дунёга келиб,
Сенинг лабларингда ўладиган қиз...

Мен ҳануз ўшаман,
Мен ҳануз ўша...

• • •

Кетинг,
Сизга эҳтиёжим йўқ,
Севиб бўлдим Сизсиз ўлимни.
Яна минг йил яшасангиз ҳам,
Тушунмайсиз менинг кўнглимни.

Кутманг,
Сизга бермайман ортиқ,
Умримнинг бир лаҳзасини ҳам,
Юрагимни юлиб ташлайман,
Азобларга топаман чидам!

Ҳечкиси йўқ,
Яшаб кетаман!
Сиздан ёруғ, Сиздан баландроқ.
Насиб экан сўнгсиз ўлимни
Тирик вужуд билан кўтармоқ.

Қолдирмоққа уринманг, илло,
Боқманг илҳақ, интиқ, ғамангиз.
Менга беҳад ёлғон туюлар,
Ишққа ўхшаб кетган таъмангиз.

Нима қилай,
Шундай Аёлман,
Табиатан ва ёки дилан:
Севсам жуда қеттиқ севаман,
Руҳим, жисмим, ҳаётим билан!

Номингизга қўшилиб ўсдим,
Ҳар кун,
ҳар тун маҳрум ва бадар.
Мен Сизники бўлиб яшадим,
Билсангиз, то шу кунга қадар!

Аммо билдим.
Сиз буткул бошқа!
Булоқдирсиз - сокин ва бегам.
Англамайсиз, бир куни айтмай,
Пойингизда сувсаб ўлсам ҳам.

Йўқ, бу ишқни кўтаролмайсиз,
Сизни эзар таҳқир ва таъқиқ.
Бу дунёда зинг гўзал севги,
Ҳамиша хор, маҳкум, мустаҳиқ!

Кетинг,
Сизга эҳтиёжим йўқ!
Севсам энди севгум Ўлимни.
Яна минг йил яшсангиз ҳам
Тушунмайсиз, афсус, кўнглимни...

• • •

Эй менинг умримни барбод қилган ишқ,
Балки изингиздан хазондек ўтдим
Вужудга оташлар туташган чоқда,
Аланга лабларда жонимни тутдим.

Мен бир гул эдим-ку,
Сизга аталган,
Кўзингиз қаҳрида тиглар отдингиз,
Мен-ку ўздан кечиб сизни топгандим,
Сиз мени йўқотиб,
нима топдингиз?
Оғринманг,

Сизни деб оғриндим, синдим...
Йигладим,
Исмингиз айтиб йиқилсам..
Тўкилмасмикансиз...
Кўрқаман энди,
Оёқлар остига бир-бир тўкилсам...

Эй менинг умримни бунёд қилган ишқ!..

• • •

Нимага севдирдинг уни, Худойим,
Севгини билмаган инсонни?
Кийнамоқ учун ё солдингми,
Ичимга бу олов түғёnnii?..

... Ҳаммани йўқотиб,
топгандим сени...
Наҳот яна азоб-насибам?
Наҳотки, ҳаёт йўқ ҳаётда?
Ўзимдан хавфдаман,
ўзимдан, Эгем!..

Кимни кўпроқ савдинг...
Мени ё уни?
Не бўларди, севсанг иккимизни ҳам!
Севгингни савваман,
Худойим, аммо
Наҳот менга қисмат —
Севгисиз адам?

Ҳаммани йўқотиб,
топгандим сени...

• • •

Юрагимда йиглаётган ким?
Оқиб кирар маъюс товуши...
Кўзларимни кесиб юборар
Куриётган гулларнинг туши...
Сени жуда аччиқ йиглатдим.
Лаънат тошин отдинг тонггача...
Ёпилмади осмон эшиги,
Юриб чиқдим...
Ўздан тонганча!
Нима қилай,
ерга сифмасам,
Имконингга сифмасам, нетай?..
Деразалар ортидан энди
Адашган тун руҳидай ўттай?
Мен саркаши қандай ёндирединг?
Ўчиролмай
Ўзим сергардон
Севиб — ўлдинг,
Севмай — ўлдирединг,
Яна мендан сўрайсанми жон?
Ўшиб кетгим келар ёдингдан,
Пайдо бўлмоқ учун қаршингда.
Нигоҳимиз учрашармиди
Яна бир бор
Кўнгил аршингда!
Сен кимларга очасан дилни,
Дунёларни ёлиб юзимга.
О, мен телба қандай ишондим
Қайтасан деб яна ўзимга..
Юрагингда йиглаётган ким?
У — менмасми,
Менинг ёлғизим?..

07.08.04

• • •

Нима эди нигоҳингдаги?
Бунча кутдим,
Бунчалар шошдим?
Ишқ нуруми ё тун сояси?
Гул эдими деб адашдим...

Самолардан тушиб келгандим...
Гул умримни нур каби түшаб.
Айт,
Осмоний қанотим билан
Кетмадимми риёга ўхшаб?

Отгим келди қанотларимни
Юлдузларни сочиб бошингдан.
Мөлак эдим ва ёки шарпа,
Аёл бўлгим келди қошингда!

Бузиб кўхна чарх дарвозасин
Билгим келди таъқиқ ғамини.
Қачонлардир жаннат олмасин
Лабларингда қолган таъмини!

Кўзларингда бир сир бор эди,
Мен шу сирнинг асири эдим.
Балки само салтанатининг
Ўзи билмас бир сири эдим.

Асратеганинг менга тиғмиди?
Юрагимга кетмоқда ботиб.
Кўзларингни бир кўргим келди,
Тошлар узра йиқилаётуб...

Нима эди нигоҳингдаги?..

07.09.04

• • •

«Сууриб олсалар ўламан...»

X.Дверон

Исминг — юрагимга урилган ханжар,
Сууриб олсалар ўламан.
Мен сени шу қадар муҳаббат
ва азоб билан...
жим севаман!

Севаман...
Үлимни севгандай
Хар лаҳза руҳимни пичоқлаб,
Мен мангү яшайман,
гўрда ҳам
Дилимда исмингни
қучоқлаб!..

• • •

Хазин куз,
Хаста куз.
Хотиротим куз.
Дараҳт вужудимда йиглаётган кӯз.
Чорладим ҳар битта ялроғим билан,
Лек унинг тилида вайтолмадим сўз...
Бўйласам,
Энг ёруғ осмон эди у.
Кўлимда қўлларин тафти, ҳовури,
Бир яшил боғ бўлиб яшнаган эдим.
Лаҳзада сарғайтди ёдин шовури.
Хазин куз,
Хаста куз,
Хотиротим куз.
Юрагимни енгди тунлар қафаси.
Айт,
кимнинг кўксидавош қотдийкан у.
Уйғотай дейман-у,
етмас нафасим...
Сочлари ёйилган ҳурга айланниб
Тушимда ортидан йиглаб югурдим...
Баҳор бўлмоқчийдим унинг бағрида
Наҳст хазонрези бўлиб улгурдим?
Хазин куз,
Хаста куз,
Хотиротим куз.
Маъюс юрагимда очармисан кўз?
Овозин...
Овозин эслаб соғинидим,
Дилни эзаётган соғиничми, афсус?
Ҳар бир баргим билан уники эдим,
Ёмирлар қўлида ўқилдим, эссиз...
Мен одам шаклида яшай билмадим,
Яшай олдимиликан у...
Менингсиз!...

21.11.03

• • •

Бу ёғи хаёл...
Бу ёғи эртак...
Эртакка алданиб яшаган юрак.
Армонлар юхидан юксалган тилак:
«Сени соғинаман!»
Сени...
севаман...»

«Бизни нима боғлар?» –
сўрама мендан.
Билмайман, нимани излайман сендан.
Билганим, бу – бир сир.
Билганим, чиндан
Сени соғинаман...
Сени...севаман...

Ҳайдама, кўнглимда ишқинг бор омон,
Бехуда келмадим,
Кетмасман асон.
Бизни бирлаштириди ахир осмон!
Сени соғинаман...
Сени... севаман...

Ухласанг тушингман,
Уйғонсанг хушиңг.
Умринг боғларида адашган юшиңг,
Рұхимни уйғотар ўқсик товушиңг:
«Сени соғинаман...
Сени... севаман!»

13.10.03

• • •

Ўксик юрагимда оқсан ҳузунсан,
Балки ёзуғимсан, балки афсунсан.
Шу қадар яқинсан, шу қадар олис,
Бахтнинг йўллариdek жуда узунсан.

Кечасан –

вазалдан оқибатимга,
Тортилган қаролик савдойи тунсан.
Қасамсан –

ичилган, каффоратига
Дунёси таланган қулдай маҳзунсан.

Бошимга ёғилган савдосан, абад
Ўлсам ҳам товони тўланмас хунсан.
Кўзимга қадалган тиғсан муқаддас,
Сўнгги оятимдай инграган унсан...

Азобсан – дўзахий,
Ишқсан – илоҳий.

Беҳишт дарёсидан тошган жунунсан...
Сендеқ сultonни бор – бағри яримман,
Мендеқ Зебоси бор баҳти бутунсан!

Сен – менинг кимимсан,
Сен – менинг сирим.
Осмон этағидан тўкилган нурим,
Ушалган ғамимсан,
ушалган дурим.

Менга аталмаган энг ёруғ Кунсан!

13.10.03

• • •

Мен бир ташриф эдим.

Балки дунёнинг

Энг олис, энг ёлғиз ҳузунларидан.

Лаҳзада тошган ишқ эҳтиросидай

Самода чайқалган тун денгизининг

Ногаҳон кўпирган жунунларида

Хайём кўзасидан томган май каби

Томиб,

Тош кўксида сидраган бўлсан.

Ҳасратим ўтидан бир гул ундириб,

Нигоҳлар тийғида титраган бўлсан...

Гуноҳкор эмасман,

гуллигим учун,

Менга узалмаган қўллар гуноҳкор!

Балки ҳароратли лаб нафасидан

Танимга туташган бўлса аланга...

Нигоҳда «йилт» этган нур кўлкасидан

Ўтлар қўйган бўлсан оламга ...

Хиёнет тунлари ҳайдалиб, бедил

Тавалло чогида берилган бўлсан.

Худодан танҳо ишқ тиланиб юз йил,

бир олов бўсадан тирилган бўлсан...

Гуноҳкор эмасман,

куйганим учун,

Мени деб ёнмаган диллар гуноҳкор!

Балки сирлигимни билмаса тақдир,
Тасодиф қўлларда балки ечилсам.
Ва ёки минг йиллик майи ноб каби
Гумроҳ бир кечада бефарқ ичилсам

Ва ёки номаҳрам кўзлар ўнгида
Эгасиз мактубдай қақраб ўқилсам,
Ва ёки...

Куриган гулдай беланоҳ
Тўкилсам..

тўкилсам...
тўкилсам...

Гуноҳкор эмасман...
Хаммаси учун –
Мени сақлолмаган қўллар гуноҳкор!

18.11.03

ЎКИНЧ

Тўғри,
Сизни унга ўхшатдим.
Гуноҳим кўзимдан, икки кўзимдан.
Сизга ҳеч бир гинам, кудуратим йўқ.
Аламим ўзимдан,
фақат ўзимдан.

Дунё эшигини ёпгандим қаттиқ,
Ўлгандим бошимни қўйиб тизимга.
Билмайин қолибман,
менга билдирамай,
кириб келганингиз ёлғизлигимга.

Шунданми,
маҳр ё илтифотингиз
Тафтидан гоҳида бузилди тинчим,
Рухимга нур берди иссиқ ёдингиз,
Исмингиз кечалар бўлди ўтинчим!

Умидим, илинжми,
Билмадим, нима?
Тикладим ўзимни шу сўзга тираб
Йиллар осмонидан учган нур эдим,
Тонглар этагидан ўтдим парпираб...

Қанча севган бўлсам,
шунча олисман,
Қанча осий бўлсам,
шунчалар баланд.
Хатто билмадингиз хаёлингиэга
Бир аёл бир умр бўлганини банд!

Нени орзу қилдим,
күтдим нимани,
Ўзимни жимгина чоҳларга отдим.
Дарёлар тубида ётган тош каби,
Дарё йилларимни йўқотдим...

Ўзганинг баҳтини қилмовдим таъма,
Ё ўзга кўнгилга бўйламагандим.
Фақат...
Севги истаб, юз йилдан сўнг ҳам,
Яна йиглайман деб ўйламагандим!

Йўқ, йўқ, кетаверинг,
Ортга қараманг,
Сизни тўхтатмасин кўзимдаги ёш.
Мен фақат...
Кимнидир қаттиқ соғиндим,
Эриди кўксимда музлаб ётган тош.

...Тўғри, сизни унга ўхшатдим.
У-ми?
У — бир Нур.
Суратин чизаман тунга.
Қечондир тушимга кирган-у, аммо
Умримда ҳеч қачон бўлмаган Унга!

МАКТУБ

Бевақт йўлга чиқдим, умримни еди,
Ўзи дўст, диллари ғаним ёронлар...
Тийрамоҳнинг маъюс майсаси здим,
Ёғди бошларимга тийраборонлар...
Ўтдим кечаларнинг ҳўл боғларидан,
Ўтдим бир сўз демай bemажол ва ҳам.
Кўксимга миллионлаб пичоқ қадалди,
Сугура олмадим биттасини ҳам!
Йиқилмадим бадлар ичганида ҳам,
Макруҳлар ёдига кўшиб ёдимни.
Руҳимиз қовушган лаҳзапар ҳаққи,
Олиб ўтдим қўллар хотиротини!..
Шафқетсиз ўлдирдинг ёғдуларимни,
Қаҳринг дўллари-ла қилганча таъқиб.
Синдириб энг тозе туйгуларимни,
Аямади мени на дўст, на рақиб!
Кунсиз кунларимга тортилган нурдек,
Ёдинг тунларига ёқдим шамчироқ.
Кулбем даричасин оҳиста чертиб,
Келмади дийдоринг, келмади бироқ!
Осилиб яшадим умид барига
Кўксимда кўтариб юрак юкини.
Макринг, хиёнатинг зулматларида
Шўъладай парпираб, куюб, юкиниб...
Айт, қенданай қарайсан кўзларимга сен,
Бўғзимдан келаркан яччик бир маъни?
Севмасайдинг шунча азобларингга
Лойиқ кўрармидинг мендан ўзгани?

• • •

Майли, кетгил...
Номазшомгуллар
Ой нурида йиглаған каби
Нигоҳингдан битта нур тилаб,
Пичирлайди илинжим лаби.
Қарамайсан,
изингни ювар,
Кўзларимдан оққан соғинч-май,
Майли, кетгил...
Шу видо ҳаққи,
Қалбингни бер, сўнгги бор ўпай...
Сен барибир яхвисан, ўтган
Кунлар учун юз бора қуллуқ.
Фақат бас қил, дема. Ишқ — умр,
Бу эртакнинг ниҳояси йўқ.
Қара, туннинг беҳуш бағрида
Дилпора ой мастона қалқир.
Азобларнинг кечиб наҳридан,
Топишармиз биз яна балки?..
Хайр, дема, кўзларимда қол,
Қара, дийдам тўла соғинч-май.
Умримни ол,
Азобимни ол,
Қалбингни бер,
бир марта ўпай!..

НУР КУКУНЛАРИ...

Унутилдим...
Саргердон рухим
Бенур хаёлларда
мәъюс суринди...
Бу-суяқ қорайди,
Бу-ишқ күмилди,
Бу күнгил йўқ энди.
Кўнгил йўқ энди...
Сен учун мен йўқман.
Олов тилаңган
Соқов ишқнинг етим
Оҳ, у тунлари!..
Ўлаётган — мемман,
Тунаётган — мен:
Мовийваш толапар —
Ишқ кукунлари...

Қўлларим юзингда ўйнап —
Изирин.
Сезмайсан...
Мен — ўша лаънатланган рух!
Чақир,
Эслаб...
Софин...
Мени пайдо қил,
Бир олов нафасдан
Туғилай ёруг!
Сенинг оғушингга тўкилган
тушлар —
Оппоқ соғинчимнинг
Каро кунлари;
Сенинг изинг узра сочилаётган
Менинг кўз ёшларим —
НУР КУКУНЛАРИ!...

Мендек борми яна,
Ғамкаш, дўзахий?
Хўрланиб,
Топталиб,
Юкинаётган...
Мен — беном юлдузман,
Ўз жисмин ёқиб
Қорайган,
Чуркаган,
Тўкилаётган...
Кўрмайсан, кўрмайсан
Сархушсан, лабинг
Тотаркан ёт ишқнинг
Тоза хунларин;
Сөнинг бошинг узра
Ёғила бошлар
Менинг тупроқ жисмим —
НУР КУКУНЛАРИ...

МУНДАРИЖА

I БОБ

«Саҳролар бағрида адашган...»	5
«Қавс бөғларига тун тушаётир...»	6
«Азизим...»	8
«Усиз энди умрим қоронғу...»	9
«Йүк...»	10
Нигоҳ	11
Алла соғинчи	12
Сизга	14
Келасан..	16
«Юрагимга босиб ухласам...»	18
Соғинч ханжары	19
«Кечә...»	20
Кўзларимни юмиб ичаман	21
Дор	22
«Ўша оқшом ўзгача ади...»	23
Бу тун	24

II БОБ

«Сизни тушларимда кўрсам, сиғинсан...»	27
Тирилиш	28
Тамом..	30
«Кўзим тушса куяди офтаб...»	31
«Узоқ кутдим нимани бунча?...»	32
Қора йиги..	33
«Топмасимдан токи ўлимни...»	34
Лайлого..	35
«На умримда баҳор...»	36
«Тушларини севади дараҳт...»	37
Ватан	38

«Илдиз ер оралаб уммонга ётди...»	40
«Осия»	41
Софиниши...	42
Рўёга илтижо...	43
Туш	44
«Турналарнинг изи қолди кўк юзида...»	45
«Дараҳатларга тушди аланга...»	46
«Ой синади аста хўрсиниб...»	47
«Бу сокин боғларда, танҳо боғларда...»	48
«Умримни ўткинчи сабога бердим...»	49
«Сенинг исминг – муҳаддас оят...»	50
«Энди кеч...»	51
Овозинг!...	52
Хаёл...	53
«Ногаҳон жиринглар телефон...»	54

III БОБ

«Ҳамма таъқиқларни бузиб көламан...»	57
«Бошимдан муҳаббат нурларини соч...»	59
«Рухимиз яратиб битта ишқ билан...»	60
«Кўлимда кўпларинг шивири...»	61
«Уни бағишланг...»	62
«Г...га...»	64
«Тонг кипригидаги бир томчи шабнам...»	65
«Нигоҳингни ўпиб, уйғонар олам...»	66
«Мен ҳануз ўшаман...»	67
«Кетинг...»	68
«Эй менинг умримни барбод қилган ишқ...»	70
«Нимага севдирдинг уни, Худойим...»	71
«Юрагимда йиглаёттан ким?..»	72
«Нима эди нигоҳингдаги?..»	73
«Исминг — юрагимга урилган ҳанжар...»	74
«Хазин куз...»	75
«Бу ёғи хаёл...»	76
«Ўксик юрагимда оқкан ҳузунсан...»	77
«Мен бир ташриф эдим...»	78
Ўкинч	80
Мактуб	82
«Майли, кетгин...»	83
Нур куқунлари...	84

Адабий-бадиий нашр

ЗЕБО МИРЗО

НУР КУКУНЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир Азиз САИД

Бадиий муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ

Тех.муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаххих Дилрабо МИНГБОЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Екатерина НАЗАРОВА

Муқова ва оригинал макет

«Artlo» дизайн марказида тайёрланди

ИБ № 3949

Босишга 13.09.2004й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1132.

Босма тобоги 2,75. Шартли босма тобоги 4,62.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 224.

Баҳоси калишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбва марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.